

**“Маърифат” газетасида ёшларни оммавий маданият хуружларидан
ҳимоя қилиш масалалари**

Рустамов С.С.

**“Маърифат” газетасида “Сиёсат,
ҳалқаро ҳаёт ва спорт янгиликлари” бўлими муҳаррири**

“Маънавий ҳаётимизни, бу йўналишда олиб бораётган сиёсатимизни, бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожлантириш мақсадида бизнинг ўзлигимиз, ҳаёт ва тафаккур тарзимизнинг ифодаси бўлган миллий қадриятларни кўз қорачиғимиздек асраб, шу билан бирга, жаҳон миқёсида эришилган, эътироф этилган умумбашарий ютуқларга таяниб, уларни ўзлаштириб иш олиб боришимиз зарур. Ва айнан ана шундай мезонлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосий тамойилларини ташкил қилиши керак.”

Ислом Каримов. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. 2013 йил 27 июнь.

Оммавий ахборот воситаларининг жадал ривожланиши жамият олдида бир қатор муаммоларни ҳам вужудга келтирмоқда. Ўтган асрнинг ўрталаридан бошланган, бир қарашда жозибадор, бироқ тағзаминида бутун бошли миллатларни ўзлигидан, маънавий илдизларидан жудо қилишга қаратилган оммавий маданиятнинг турли кўринишлари ХХI аср авлодларига ҳам бус-бутун ҳолича мерос бўлиб ўтди. Илм-фан ва ахборот коммуникация технологияларининг сўнгги ютуқлари ҳисобланмиш интернет, мобил алоқа воситалари, планшет, ноутбук ва рақамли ахборотларни ташишга хизмат қилувчи бошқа кўплаб қурилмалар эса оммавий маданият хуружини янада кучайтириб юборди. Айтиш жоизки, бундан бир неча ўн йиллар муқаддам оммавий маданият хуружлари фақатгина ташқи кучлар томонидан амалга оширилган бўлса, бугунга келиб, миллат менталитети ва умумбашарий қадриятларга зид бўлган хатти-ҳаракатлар ички томондан ҳам етишиб келаётган авлодлар онгига дахл қилмоқда.

1931 йилдан буён Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши таъсисчилигида чоп этилаётган “Маърифат” газетаси таҳририятининг бугунги кундаги асосий фаолият тури ҳам айнан ёшлар маънавияти, уларнинг одоб-ахлоқи масалаларини ўрганиш, мавжуд муаммолар, уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳамда оқибатлари ҳақида кенг маълумотлар бериш, шунингдек, ёш-авлод онгига соғлом турмуш тарзи тамойилларини чуқур сингдиришга қаратилган. Таъкидлаш ўринлики, газетанинг ҳар бир сонидан бу

йўналишдаги мақола ва газетхонлар фикри, ўтказилган тадбир ва учрашувларнинг мазмун-моҳияти кенг ёритилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи давомида ёшлар маънавияти, уларнинг эҳтиёжлари, оммавий маданият хуружлари ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган 32та йирик мақола, тегишли соҳа мутахассисларининг чиқишлари чоп этилган. Ана шу мақолаларнинг ярми, яъни 16таси бевосита ёшлар маънавияти ва улар онгига йўналтирилган оммавий ахборот хуружларига бағишланган. Жумладан, “Ўзгариб бораётган ёшлар — улар тарбиясига қандай ёндашамиз? (2013 йил 16 январь, Лайло Шарипова, БухДУ, филология фанлари номзоди), “Талабанинг маънавий олами” (2013 йил 19 январь, Абдухалил Маврупов, тарих фанлари номзоди, профессор), “Ёшлар эҳтиёжи — уни қандай ўрганиш ва тарбиялаш керак?” (2013 йил 26 январь, Васида Каримова, психология фанлари доктори, профессор), “Маънавий-ахлоқий тарбия — шахс камолотининг бош мезони ҳисобланади” (2013 йил 25 май, Хабибулло Абдукаримов, ГулДУ Педагогик инновация маркази раҳбари), “Субмаданиятлар — ёшларни жамиятдан узоқлаштиради” (Санжар Рустамов, “Маърифат” мухбири) сингари мақолаларда ушбу масалалар батафсил ўрганилган.

Ўтган давр мобайнида, шунингдек, интернет, ахборот-коммуникация технологиялари ва ёшлар мавзусига бағишланган 8 та йирик мақола чоп этилди. Уларда интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали яширин ва ошкора тарзда тарғиб қилинаётган оммавий маданият кўринишлари, кибержитноятчилик, виртуал хуружлар каби мавзулар мушоҳада қилинган. Хусусан, 2013 йилнинг 13 феврал сониди “Виртуал хуружлар хавфи” (Сурайё Сирождидинова, “Маърифат” мухбири), 16 февралда “Интернетдан ким қандай фойдаланмоқда?” (Абу Бакир Ўрозов, ЎЗА мухбири), 22 майда “Маърифат ва жаҳолат чорраҳаси” (Умид Ёкубов, ЎЗА мухбири), 22 июнда “Бола ва компьютер — ўзаро муносабатда қандай йўл тутмоқ керак?” (Шоира Боймуродова “Маърифат” мухбири) ҳамда “Ёшлар ва интернет” (Ғолиб Баҳромов, “Маърифат” мухбири) сингари мақолаларда бугунги кундаги ҳолат, виртуал хавф-хатарлар тўғрисидаги маълумотлар, фикр-мулоҳазалар ўрин эгаллаган.

Юқорида таъкидланганидек, айти пайтда оммавий хуружлар ёшлар онги ва маънавиятига нафақат сиртдан, балки ички томондан ҳам бирдек хавф солмоқда. “Маърифат” мухбири Соҳиба Муллаева муаллифлигидаги “Сочимни Шаҳзоданикидек турмаклар қўйинг” деб номланган мақола фақатгина газетхонлар ўртасида эмас, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда ҳам қизгин муҳокамаларни келтириб чиқарди. Жумладан, www.vatandosh.com сайтида мазкур мақоладан иқтибос олинган ҳолда

маълумот чоп этилиб, ёшлар кумирига айланиб бораётган айрим эстрада юлдузларининг ножоиз хатти-ҳаракатлари муҳокама қилинди. Шаҳзода, Лола ва бошқа санъаткорлар ижодига мансуб қўшиқ ҳамда уларга ишланган клипларнинг ёшлар маънавиятига салбий таъсири, жумладан, улар асосида келиб чиқиши мумкин бўлган субмаданият — ёшларни жамиятдан узоқлаштирувчи, тубан ва маънавий қашшоқ кимсаларга кўр-кўрона тақлид қилувчи шахслар бўлиб вояга етиши мумкинлиги тилга олинди.

“Маърифат” газетаси томонидан эътибор остига олинаётган мавзуларнинг соҳа мутахассислари томонидан илмий асосланган ҳолда ёритилаётгани муваффақиятнинг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Газета саҳифаларида ташкил этилган “Акс-садо” рукни орқали газетхонларнинг муайян мақолаларга билдирган муносабатлари, ўз фикр-ўйлари бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетмаётганидан далолат бермоқда. Эндиликда бу борадаги ишларни янада жонлантириш, чуқур мушоҳада ва аниқ далил-исботларга асосланган таҳлилий мақолалар, тегишли соҳа вакиллари билан суҳбатлар уюштириш борасида ҳам чоралар кўрилмоқда. Бунда нафақат ёшларни оммавий маданият хуружларининг салбий ва оғир асоратларидан огоҳ этиш, балки улар ўрнини мамлакатимизда олиб борилаётган ёшлар сиёсатида оид чора-тадбирларга ҳамоҳанг равишда миллий анъана ва қадриятларимиз, қолаверса, бугунги замон талабларига мос фазилатлар билан тўлдиришга катта эътибор қаратилади.

